Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 51 (6941). | 15 март, 1979 йил ◆ ПАЙШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

ҚАРДОШЛАРЧА, САМИМИЙ ВАЗИЯТДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 13 март куни катта Кремль саройида ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Герек шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, Н. А. Тихонов, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков, М. С. Горбачев, бошқа расмий кишилар, шунингдек ПХРнинг СССРдаги элчиси К. Ольшевски ҳозир бўлдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев зиёфатда нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқ Эдвард Герек!
Ҳурматли ўртоқлар!

Бизнинг Герек билан суҳбатимиз ҳозиргина тугади. Бу суҳбат Совет-Польша муносабатларини янада ривожлантириш учун фойдали бўлиши шубҳасиз.

Ҳаётнинг мантиқи шундай: биз ҳамкорлик йўлидан қанчалик олға борсак, олдимизда тобора кенг уфқлар очилаверади. Мамлакатларимиз янги беш йиллик бўсағасида турган ҳозирги пайтда бу нарса айниқса сезиларлидир. Айниқса машинасозлик ва химияда кооперациялаш соҳасидаги, биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, катта-катта корхоналар барпо этиш соҳасидаги, илмий ва техникавий тафаккур ютуқларини баҳам кўриш соҳасидаги иш тобора кенг кўлоч ёзмоқда. Шак-шубҳа йўққи буларнинг ҳаммаси иккала мамлакатнинг экономикасига, меҳнаткашларнинг фаровонлигига самарали таъсир қилади.

Гарчи сиёсий ҳамкорликнинг ўз беш йилликлари бўлмасада, аммо бу соҳада ҳам шу қонуниятнинг ўзи намоён бўлмоқда: бизнинг баҳамжиҳат ҳаракатимиз йил сайин чуқурлашиб, мазмундор бўлиб бормоқда. Бу ғап тинчлик ва хавфсизлик учун ҳам, кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш учун биргаликдаги курашга тўла-тўкис тааллуқлидир.

Халқаро сиёсат учун дунё бошидан кечираётган синовлардан тўғри хулосалар чиқариб олишдан ҳам муҳимроқ иш йўқ, деса бўлади. Кейинги вақтларда шу синовларнинг энг каттаси — Хитой қўшинларининг социалистик Вьетнамга бостириб кириши бўлди. Бу нарса кўп жиҳатдан муайян империалист доираларнинг ҳақиқатда агрессорни рағбатлантириши туфайли содир бўлди.

Бундан чиқадиган хулоса равшан: аввало Осиёдаги тинчлик ҳали етарли даражада мустаҳкам эмас. Ҳар бир давлатга қарши қилинган агрессия ҳамма учун хавф деб қабул қилинадиган бўлишига, агрессияга коллектив бўлиб зарба берилишига эришмоқ керак. Акс ҳолда инсоният фалокатдан қутила олмайди.

Ҳозир Хитой раҳбарлари чекинишга бўйруқ беришга мажбур бўлдилар. Бу — Вьетнам халқи матонати ва мардлигининг, Совет Иттифоқи, Польша, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа давлатлар Вьетнам билан жанговар бирдам эканининг, жаҳон афкор оммаси қўллаб-қувватлашининг натижасидир. Аммо жануби-шарқий Осиёдаги вазият ҳамон қалтис ва тахликали бўлиб турибди.

Бизнинг йўлимиз маълум: биз Вьетнамнинг ҳаққоний ишига ёрдамлашиш ва ялпи тинчликка хавф соладиган янги игвогарликларга йўл қўймаслик учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилаберамиз.

Азиз ўртоқлар!

Бу йил социалистик Польша ўзининг 35 йиллигини байрам қилади. Биз поляк дўстларимизни шу шонли сана билан қутлаб, уларга бахт-саодат, эсон-омонлик, равнақ тилаймиз.

Бузилмас Совет-Польша дўстлиги учун!

Социалистик давлатлар қардошлик оиласининг янада мустаҳкамланиши учун!

Поляк коммунистларининг раҳбари, қадрдон дўстимиз ўртоқ Эдвард Герекнинг соғлиги учун!

* * *

Ўртоқ Э. Герек жавоб нутқи сўзлади.

Ўртоқ Э. ГЕРЕК нутқи

Ҳурматли ва азиз Леонид Ильич!

Совет иттифоқилик азиз дўстлар!

Аввало, азиз Леонид Ильич! Сиз билан, Польшанинг бошқа дўстлари билан, Совет Иттифоқининг раҳбар партия ва сиёсат арбоблари билан бугунги учрашувдан астойдил мамнуният изҳор этишимга ижозат бергайсиз-лар. Бизнинг партиямиз билан халқимиз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ленинчи Марказий Комитети раҳбарлигида экономикани ривожлантириш ва меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишда катта муваффақиятларга эришаётган қардош совет халқига нисбатан ҳурмат ва дўстлик туйғулари билан яшамоқдалар. Азиз ўртоқлар, сизларни СССР Олий Советига сайловнинг якунлари билан чин кўнгилдан табриклайман. Бу якунлар совет халқининг ўз Коммунистик партияси теварагидаги жипслигининг яна бир ёрқин исботи бўлди.

Польша ва Россия революционерларининг биргаликдаги синфий жангларидан юзага келган халқларимизнинг дўстлиги гитлерчи босқинчиларга қарши жанг майдонларида биргаликда тўкилган қон билан янада метинлашди. Эндиликда бу дўстлик — Польша хавфсизлиги ва ривожининг муҳим омилидир. Уни мустаҳкамлаш эса — партиямизнинг асосий йўлидир.

Биз шу ўн йилликда айниқса муттасил ривожланиб келаётган поляк-совет муносабатларининг ҳозирги ҳолатини юксак қадрлаймиз. Биз ўз бирлигимизни, партияларимиз ва халқларимиз ўртасидаги қардошлик алоқаларини бундан буён ҳам мустаҳкамлайберамиз, иккала мамлакатнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кенгайтираберамиз.

Барча халқларнинг тинчлиги ва ҳамкорлиги ғояларининг тантанаси йўлида социализм мамлакатларининг ҳамдўстлиги, унинг жипслиги ва ҳаракат бирлиги кун сайин мустаҳкамлана бериши учун бундан буён бутун куч-ғайратимизни сарфлайберамиз.

Совет кишилари каби биз поляклар ҳам сиёсий ва ҳарбий соҳалардаги кескинликни юмшатилиши учун, қуролланиш пойгасини қучайтираётган ва дунёдаги кескинлик манбаларини кенгайтираётган совуқ уруш кучларига қарши қатъият билан ҳаракат қилаберамиз.

Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг Москвада бўлиб ўтган кенгашида қабул қилинган декларацияда биз барча мамлакатларга тинчлик учун, қуролланиш пойгасини жиловлаш учун, чинакам қуролсизланиш, кескинлик ва можаролар манбаларини тугатиш учун кураш соҳасида умумий конкрет ва реал программамизни таклиф этдик. Ўртоқ Брежнев, Москвадаги сайлов олди нутқингизда Сиз ўртага қўйган таклифлар бу программани анчагина бойитади ва кенгайтиради. Бу таклифлар бизнинг мамлакатимизда жонсиз қонунлар эмас, балки ҳаётга татбиқ этилаётган ҳаракат дастурига айланган.

Биз, бутун поляк халқи Хитой раҳбарларининг авантюрачилик, гегемончилик сиёсати, Вьетнам Социалистик Республикасига қарши сурбетларча агрессияси ҳусусида ташвиш чекаяпмиз ва ғазабланаяпмиз. Биз Вьетнам халқининг қаҳрамонона кураши билан тўлатўкис бирдамлиз ва унинг одилона талабларини қўллаб-қувватлаймиз. Аввалгидек ҳозир ҳам Вьетнам якка-ёлғиз эмас. Уни Совет Иттифоқи, бошқа социалистик давлатлар ва бутун тараққийпарвар жаҳон жамоатчилиги қўллаб-қувватламоқда.

Ҳурматли ўртоқлар!

Азиз Леонид Ильич, суҳбатларимиз самимий вазиятда ўтгани учун Сизга миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсиз. Ҳамма масалалар ҳусусида биз тўла-тўкис якдилмиз. Биз вазиятни ва ўз олдимизда турган вазифаларни бир хил баҳолаяпмиз. Биз қабул этган қарорлар иккала халқимизнинг манфаатларига, социализм ва тинчлик ишига хизмат қилади.

Бузилмас дўстлик ва ҳар томонлама, қардошларча поляк-совет ҳамкорлиги учун!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети ва унинг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев учун!

Шу ерда ҳозир бўлган Совет иттифоқилик барча дўстларнинг соғлиги ва муваффақиятлари учун — қадаҳ кўтаришни таклиф этишга ижозат бергайсизлар.

* * *

Л. И. Брежнев ва Э. Герек нутқлари зўр эътибор бериб тингланди, давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат қардошлик ва самимийлик вазнятида ўтди.

* * *

Э. Герек И. В. Курчатов номидаги атом энергияси институтини бориб кўрди. СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, фан ва техника Давлат комитетининг Раиси В. А. Кириллин меҳмон билан бирга бўлди. СССР Фанлар академиясининг президенти, институт директори А. П. Александров изоҳлар бериб турди.

(ТАСС).

«ПРОГРЕСС-5» ЮК КЕМАСИ «САЛЮТ-6» — «СОЮЗ-32» ОРБИТАЛ КОМПЛЕКСИ БИЛАН ТУТАШТИРИЛДИ

ТАСС АХБОРОТИ

1979 йил 14 март Москва вақти билан соат 10 дан 20 минут ўтганда «Прогресс-5» автомат юк транспорт кемаси одам бошқараётган «Салют-6» —«Союз-32» орбитал комплекси билан туташтирилди.

Юк кемаси орбитага «Салют-6» станциясининг бирлашган мотор қурилмаси учун ёқилғи, асбоб-ускуналар, аппаратлар, экипажнинг ҳаётини таъминлаш, илмий тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказиш учун материаллар, шунингдек почта элтиб берди. Элтиб берилган юклар орасида профилактика ва ремонт-қайта тиклаш тадбирларини ўтказишга мўлжалланган агрегатлар-нинг элементлари ва айрим блоклари бор.

Бошқарув марказининг командаларига мувофиқ орбитада бажарилган маневрлардан сўнг «Прогресс-5» кемаси кема билан «Салют-6» станциясини бир-бирига яқинлаштирувчи борт автомат системалари ҳаракат зонасига кирди, бу системалар космик аппаратларнинг бир-бирини ўзаро қидириб топиши, яқинлашиши, ёндошиши ва туташини таъминлади.

Ёндошиш ва туташиш жараёнларини орбитал комплекс экипажи — Ляхов ва Рюмин ўртоқлар контроль қилиб туришди.

«Прогресс-5» автомат юк кемаси «Салют-6» станциясининг агрегат бўлмасида жойлашган туташтириш узелига туташтирилди.

Телеметрия ахбороти ва экипаж берган маълумотларга қараганда «Салют-6» станцияси, «Союз-32» кемаси ва «Прогресс-5» юк кемасининг ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

Космонавтлар Владимир Ляхов билан Валерий Рюмининг кайфияти яхши.

Очилган қўриқ: ЖАСОРАТ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ҚЎРИҚ ВА БЎЗ ЕРЛАР ЎЗЛАШТИРИЛИШИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ОЛМАОТАДА УТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Мамлакат шарқида қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришдан иборат ўз кўламлари жиҳатидан мисли сиз эпопея совет халқи қаҳрамонона зафарлари йилномасига ёрқин саҳифа бўлиб кирди. Партиянинг иродаси билан, совет кишилари — барча иттифоқдош республикалар вакилларининг, қишлоқ ва саноат меҳнатчиларининг, хизматдан бўшаган жангчиларнинг, комсомолларнинг, шонли ёшларимизнинг фидокорхона меҳнати билан асрлар бўйи плуг тегмаган ерларда катта-катта ғалла конлари вужудга келтирилди.

14 март куни Олмаотадаги В. И. Ленин номли саройда очилган тантанали мажлис шонли юбилей — қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилишининг 25 йиллигига бағишланди.

Тантанали мажлис қатнашчилари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев доклад қилди. У ўртоқ Л. И. Брежневнинг қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда қатнашган қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларига, олимлар ва мутахассисларга, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларига, барча кишиларга йўллаган табрикномаси текстини ўқиб эшиттирди. Табрикнома гулдурос давомли қарсаклар билан кутиб олинди. Д. А. Кунаев самимий табрик сўзлари учун ва қўриқни ўзлаштиришда қатнашган ҳамма кишиларнинг меҳнатига юксак баҳо берилганлиги учун мажлис қатнашчилари, қўриқ ветеранлари, республиканинг барча меҳнаткашлари номидан КПСС Марказий Комитетига, Марказий Комитет Сиёсий бюросига, шахсан Леонид Ильич Брежневга сидқидилдан ташаккур изҳор қилди.

Қўриқ эпопеясида, деб таъкидлади докладчи, КПСС аграр сиёсатининг донолиги, жамиятимиз мустаҳкамлигининг негизи, унинг коммунистик қурилишда эришажак муваффақиятининг гарови — партия билан халқнинг бузилмас бирлиги яққол намоён бўлди. Қўриқ республика экономикаси, фан ва маданиятини ҳар томонлама ривожлантиришнинг қудратли тезлатгичи бўлди.

Нотиқ сўнгра бундай деди: КПСС Марказий Комитети 1954 йил февраль—март Пленумида қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш соҳасида ўз кўламлари жиҳатидан мисли сиз вазифалар ўртага қўйилган эди. Ана шу вазифалар ялпи куч-ғайратларни талаб қилди. Бутун мамлакат қозоғистонликларга ёрдамга келди. Қозоғистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари ана шу мисли сиз қаҳрамонона юришга энг ҳал қилувчи йилларда ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилик қилганлигидан айниқса фахрланадилар. Л. И. Брежнев ягона буюк мақсад сари ҳаракат қилаётган минг-минглаб кишиларни бир бутун коллективга жипслаштириш маҳорати билан дарҳол республика коммунистларининг ғоят зўр иззат-ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлди. Леонид Ильич билан бирга ва унинг бевосита раҳбарлигида иш олаган кишиларнинг биронтаси ҳам ана шу улуғ мақсад йўлида кучини ҳам, ғайратини ҳам аямади.

Леонид Ильич «Қўриқ» китобида ана шу унутилмас кунлар тўғрисида ёрқин ва илҳомбахш, унга хос партиявий эҳтирос ва самимийлик билан ҳикоя қилган. Бу китоб чўлқуварлар учун дастур бўлиб қолди.

Қўриқни ўзлаштириш ёшларнинг меҳнат ижоди, чиниқиши ва мардлиги ажойиб мактаби бўлиб қолди.

Қўриққа қилинган умумхалқ ҳужумининг олдинги сафларида коммунистлар боришди.

КПСС Марказий Комитети ва шахсан Леонид Ильич Брежнев Қозоғистон партия ташкилотини мустаҳкамлаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилдилар. Шу йиллар мобайнида қишлоқ хўжалигида банд бўлган коммунистлар сони икки баравардан зиёд кўпайиб, ҳозирги вақтда 182 минг кишига етди.

Бутун қўриқ программасини амалга оширган, ўзлаштирилган ерларнинг иқтисодий қудратини кўпайтирган, шу ерларда амалий иш олиб борган ва олиб бораётган кишилар алоҳида миннатдорчилик сўзларига сазовор бўлдилар.

Авлодларнинг жасорати ажойиб самаралар берди. Улкан аграр-саноат комплекси барпо этилди. Қозоғистон жуда катта ғалла базасига айланди.

Янги ерларнинг ўзлаштирилиши республикада чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштирди. Қорамол ва қўйлар икки баравар, чўчқалар 5,7 баравар, гўшт ва сут харид қилиш 4 баравар, жун харид қилиш 3,5 баравар кўпайди. Ҳозирги вақтда совхоз ва колхозларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини концентрациялаш ва ихтисослаштириш жараёни дадил давом этмоқда.

Биз, деди докладчи, қўриқ яшаб самарали ишлаётганлигини, унинг резервлари ҳали асло тугамаганлигини кўриб турибмиз. Биз КПСС Марказий Комитети, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларига амал қилиб қўриқнинг бундан буёнги иқтисодий ва социал истиқболлари тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилишимиз шарт. Қўриқ йил сайин барқарор ҳосил бериши, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириши лозим.

Д. А. Кунаев қўриқ ветеранлари номидан, Қозоғистон чўлқуварлари ва барча меҳнаткашлари номидан гапириб, республика коммунистлари, меҳнаткашлари ўзларининг оширилган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этиш, коммунистик қурилишга, КПСС XXV съезди тарихий қарорларини бажаришга муносиб ҳисса қўшиш учун бутун куч, маҳорат ва тажрибаларини сарфлайдилар, деб партиямиз Марказий Комитетига, Марказий Комитет Сиёсий бюросига, шахсан Леонид Ильич Брежневга ваъда берди.

Дастлабки чўлқуварлар, партия ва хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари: Кустанай область партия комитетининг биринчи секретари А. М. Бородин, Целиноград область партия комитетининг биринчи секретари Н. Е. Морозов, Кўкчатов область партия комитетининг биринчи секретари О. С. Кувонишев ва Жамбул область партия комитетининг биринчи секретари Х. Ш. Бектурганов, Қизилўрда областидаги «Қозоғистон ССР 50 йиллиги» совхозининг директори А. Б. Бисенов тантанали мажлис минбарида нутқ сўзладилар. Улар чорак аср мобайнида қўриқда содир бўлган жуда катта ўзгаришлар тўғрисида, чўлқуварларнинг ҳозирги кундаги юмушлари ва бундан буёнги ўсиш истиқболлари ҳақида гапирдилар.

Қўриқ эпопеясининг 25 йиллигига бағишланган тантаналар 15 март куни Олмаотада давом эттирилади.

(ТАСС).

ВИЗИТ ТУГАДИ

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан дўстона визит билан Москвада меҳмон бўлиб турган Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Эдвард Герек 14 март куни ватанига жўнаб кетди.

ПХР ва СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Э. Герекни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси А. И. Блатов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида ПХРнинг СССРдаги элчиси К. Ольшевски бор эди.

(ТАСС).

ҲИНДИСТОН ЙЎЛИДА

Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧКП Марказий Комитетининг секретари В. Биляк бошчилигидаги Чехословакия Коммунистик партияси делегацияси Ҳиндистонга бориш йўлида бир оз вақт Тошкентда тўхталиб ўтди.

Тошкент аэропортида делегацияни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов кутиб олдилар ва кузатиб қолдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикада ёшларнинг касб танлаши борасидаги ишларни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Қарорда айтиладики, кейинги йилларда республикада КПСС XXV съездининг қарорлари, СССР ва Ўзбекистон ССР Конституциялари, партия ва ҳукуматнинг мактаблар тўғрисидаги қарорларига мувофиқ ўқувчи ёшларни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашни яхшилаш, онгли равишда касб танлаш, ёш авлоднинг касб танлашини такомиллаштириш борасида анчагина ишлар қилинди.

Бу ишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1970 йил 17 сентябрда «Республикада ёшларнинг касб танлаши борасидаги ишларни яхшилаш чоралари тўғрисида» қабул қилган қарори, шу қарорга мувофиқ тузилган республика, область, шаҳар ва район идораларо кенгашларининг фаолияти, ўқувчиларни меҳнатга, ишчи касбидаги кишиларга чуқур ҳурмат руҳида тарбиялаш ва меҳнатга ўргатиш ишида мактаб билан ишлаб чиқаришнинг яқин алоқада бўлишини таъминлаш катта роль ўйнади.

Кейинги йилларда республикада умумий таълим мактаблари ўқувчиларини ижтимоий фойдали, унумли меҳнатда қатнашишга тайёрлашга катта эътибор берила бошлади. 2720 ўрта умумий таълим мактаблари ва 207 мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларида 500 мингга яқин юқори синф ўқувчилари халқ хўжалиги турли тармоқларининг 50 ихтисослиги бўйича бошланғич ҳунар малакаларини ҳосил қиляптилар.

Ишчи касбларини танлаётган умумий таълим мактабларини битириб чиқувчилар анча кўпайди. Ҳунартехника билим юртларида малакали ишчилар тайёрлаш ўсди. 1968 йил ҳунартехника билим юртларига 40 минг йигит-қиз кирган бўлса, 1978 йилда уларнинг сони 120 минг кишига етди.

Саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалигида ишчи кадрларнинг қўнимсизлиги бир мунча камайди, ёшларни ишлаб чиқаришда ўрнашиб қолиши яхшиланди.

Шу билан бирга касб танлаш ишларини ташкил этиш ва ўтказишда ҳамон жиддий камчиликлар бор.

Ҳозирга қадар касб танлаш ишларига раҳбарлик қилувчи ягона методик марказ йўқ, баъзи министрликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларда касб танлаш маҳсус бўлим ва ҳизматлари йўқ. Тармоқлар бўйича меҳнат ресурсларини рационал тақсимлаш, айрим ихтисослар бўйича тақчилликни тугатиш, янгитдан ишга туширилаётган саноат объектлари ва қўриқ ер районларини ўз вақтида ишчи кучи билан таъминлаш каби муҳим социал проблемаларни ҳал этишда касб танлаш имкониятларидан суст фойдаланиляпти.

(Давоми 2-бетда).

СОВЕТ-ҲИНДИСТОН МУЗОКАРАЛАРИ ТУГАДИ

ДЕҲЛИ. 13 март. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан Ҳиндистон Республикасининг Бош министри М. Десаи ўртасидаги музокаралар бугун кунининг иккинчи ярмида ниҳоясига етказилди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган музокаралар вақтида Совет-Ҳиндистон ҳамкорлигини ҳамма соҳаларда бундан буён ҳам ривожлантириш ва мустаҳкамлашга тааллуқли масалаларни муҳокама қилиш давом эттирилди.

Актуал халқаро проблемалар муҳокамаси чоғида кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштириш, уни дунёдаги барча районларга ёйиш учун зарур кучгайрат сарфлашга қаттиқ ният қилинганлиги изҳор этилди.

Томонлар жаҳоннинг турли районларида ва аввало жануби-шарқий Осиёда кескинликнинг хатарли манбаларини тугатиш масалалари ҳусусида фикрлашиб олдилар. Хитойнинг ВСРга қарши агрессияси натижасида вужудга келган аҳволга алоҳида эътибор берилди. Шунга қатъий ишонч билдирилдики, бу райондаги тинчлик ва хавфсизликни қайта тиклаш Хитой қўшинлари тарихан таркиб топган Хитой-Вьетнам чегарасидан ташқарига дарҳол ва сўзсиз олиб чиқиб кетилишини ҳамда Хитойнинг қўшни мамлакатларга қарши агрессив хатти-ҳаракатлари тўхтатилишини тақозо қилади.

Томонлар қўшма ахборотни келишиб олдилар, бу ахборот матбуотда эълон қилинади.

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ

Область меҳнаткашлари умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, 1978 йилда КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга оширишда янги муваффақиятларга эришдилар. Область экономикаси қудрати, халқнинг моддий ва маданий турмуш даражаси янада ошди.

Ўнинчи беш йилликнинг саноат маҳсулотини реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва кўпчилик муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш бўйича уч йиллик плани муддатидан илгари бажарилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,8 процентни ташкил этди. Меҳнат унумдорлиги 3,4 процент ошди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортишининг 71 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришилди.

Область саноатида асбоб-ускуналар, хом ашё ва материаллардан фойдаланишни яхшилаш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ошириш, тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича ишлар давом эттирилди. Юксак категория сифатидаги маҳсулот ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 36 процент ортди. Янги прогрессив технологик жараёнлар ўзлаштирилди, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, кўпгина деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтирдилар. Область пахтакорлари 1978 йилда 430,6 минг тонна пахта етиштирдилар ва давлатга сотдилар.

Умуман область бўйича ғалла, картошка, сабзавот, полиз экинлари, ризаворлар, узум, сут харид қилиш бўйича социалистик мажбуриятлар бажарилди.

Транспорт ва алоқа ходимлари, қўнчилик бинокорлик ташкилотлари коллективлари, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари меҳнаткашлари социалистик мажбуриятларини бажардилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ область комитети корхоналар ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, 1978 йил халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун область социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқиб, қуйидаги корхоналар ва ташкилотлар коллективларини область социалистик мусобақаси ғолиблари деб ҳисобладилар ҳамда уларни Дмплом топшириш билан Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ область комитети Ҳурмат китобига ёзишга қарор қилдилар.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг 39-Тошкент автокорхонаси.

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қурилиши ва фойдаланиш министрлигининг Бўка йўл-ремонт-қурилиш участкаси.

СССР Енгил ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ва маиший приборлар министрлигининг пахта тозалаш бўйича Тошкент давлат махсус конструкторлик бюроси.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Тошкент шаҳар Куйбишев районидаги 6-бирлашган туғруқхонаси.

СССР Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлиги «Средазнефтегазстрой» трестининг автотранспорт идораси.

СССР Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг Тошкент агрегат заводи.

Тошкентдаги «Компрессор» заводи.

СССР Химия саноати министрлиги Бутуниттифоқ «Союзхимбит» бирлашмасининг қадоқлаш ва ўраш асбоб-ускуналари тажриба конструкторлик ва технологик бюроси.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Ленин ордени Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик бирлашмаси.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикаси.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Олмалиқдаги гилам фабрикаси.

Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлигининг Чирчиқ гўшт комбинати.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг Оҳангарондаги «Сантехлит» заводи.

СССР Алоқа министрлиги «Межгорсвязьстрой» трестининг 4-қурилиш-монтаж бошқармаси.

«Главташкентстрой», «Стройиндустрия» трестининг 2-механизация бошқармаси.

Тошкент шаҳар ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармаси Чилонзор ошхоналар трестининг 3-ошхонаси.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг Тошкент ГРЭСи.

СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги «Средазуголь» кўмир қазиб чиқариш-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ангрендаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли разрези.

Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлигининг «Ўзбекпроектмебель» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси.

В. И. Ленин номидаги Ленин орденли Тошкент электрон техникаси заводи.

Ўзбекистон Компартияси область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети область социалистик мусобақасида ғолиб чиққан корхоналар ва ташкилотлар коллективларини табриклайдилар ҳамда ишчилар ва колхозчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар, областнинг барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг СССР барча сайловчиларига, гражданларига қарата Мурожаатнома жавобан 1979 йил зарбдор меҳнат йили бўлиши учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар, бу йил ва умуман ўнинчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини янада кенг авж олдирадилар, деб ишончи билдирадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

(Боши 1-бетда).

Бир қанча умумий таълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари ва бошқа ўқув юртларида касб танлаш ишлари шу региондаги халқ хўжалигининг кадрларга бўлган эҳтиёжлари назарда тутилмай, тегишли методик даражада олиб борилмаяпти. Онла, педагогика, ишлаб чиқариш коллективлари ва мактабдан ташқари муассасаларнинг мана шу масалалардаги фаолиятларини дуруст мувофиқлаштиридмаяпти. Айрим олий ўқув юртлари ва техникумларда касб танлаш асосларига доир факультатив курсларга зарур эътибор берилмаяпти.

Оммавий касб-ҳунар пропагандаси ва справка-информация ишлари янада такомиллаштирилишга муҳтож.

Партия, совет органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ёшларнинг касб танлашига раҳбарлик қилишларини анчагина яхшилаш талаб этилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ёшларнинг касб танлаши борасидаги ишларини янада такомиллаштириш партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органларининг энг муҳим социал-иқтисодий вазифаларидан бири, деб ҳисоблашга қарор қилдилар, область, шаҳар, район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари советларининг область, шаҳар ва район ижроия комитетлари, Ўзбекистон касаба союзлари Марказий Совети, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети, республика министрликлари ва идоралари зиммасига ёшларнинг касб танлашига раҳбарликни кучайтириш, ёш авлодни ҳаётга, ижтимоий фойдали ишлаб чиқариш меҳнатида актив қатнашишга тайёрлашни янада яхшилаш, ҳамма ўқув юртлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда касб танлаш ишларини такомиллаштиришга раҳбарликни кучайтириш юзасидан бир ойлик муддат ичида тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаларини юкладилар.

Ёшларнинг касб танлашига раҳбарликни кучайтириш ҳамда республикада зарур касб танлаш хизматларини тузиш мақсади икки ойлик муддат ичида министрликлар ва идораларнинг марказий аппаратлари ҳузурида министр (раис) ўринбосарларидан бири бошчилигида ёшларнинг касб танлаши, уларни ишга жойлаштириш ва кўниктириш кенгашларини тузишга, бошқармалардан бири ёки бўлимлардан бири зиммасига министрлик ва идораларга қарашли корхоналар ва ташкилотларда ёшларнинг касб танлаш ишларини ташкил этиш, шунингдек мазкур кенгашлар ишини юритишни йўлга қўйиш вазифасини юклашга қарор қилинди. 1979 йилнинг 1 июнигача ишлайдиган сони 500 кишидан ошадиган ҳамма корхоналар, қурилишлар, муассасалар, колхозлар ва совхозларда (ёки шулардан биридаги бир хил профилда бўлган корхоналар, муассасалар группалари учун) ёшларнинг касб танлаш кабинетларини ташкил этиш, уларни штатдаги ходимлар билан комплектлаш таклиф этилди. Ёшларни шу бўлинмага зарур касб- ҳунарларга йўллаш, ёш ишчилар ишга ва социал ҳаётга қўникишила уларга ёрдам кўрсатиш шу кабинетларнинг вазифаси қилиб қўйилсин. Ёшларнинг касб танлаш амалий формаларидан бири сифатида мураббийликдан кенг кўламда фойдаланилсин.

Министрликлар ва идораларга Ўзбекистон ССР меҳнат Давлат комитети билан келишиб олган ҳолда халқ хўжалигининг тармоқлари учун талаб этилувчи асосий ишчи касблари бўйича ҳар йили февраль ва сентябрга ва консультация кабинетларини ташкил этиш, шу кабинетлар тўғрисидаги муваққат низомни тасдиқлаш таклиф этилди. Ўзбекистон ССР Госплани ва Госснаби шу кабинетларни жиҳозлаш учун Ўзбекистон ССР меҳнат Давлат комитетини зарур ускуна ва материалар билан таъминласин, Тошкент ва Самарқанд шаҳар ижроия комитетлари шу кабинетларни жойлаштириш учун зарур бинолар ажратиб берсин.

Ўзбекистон ССР маориф министрлиги ўқувчиларга иш ўргатиш ва касб танлаш республика методик кабинети зиммасига республика министрликлари ва идораларининг касб танлаш борасидаги методик ишларини мувофиқлаштириб туриш вазифаси юклатилди. Ўзбекистон ССР маориф министрлигига Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети, тегишли министрликлар ва идоралар билан биргаликда 1979 йилнинг 1 майигача корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг тармоқ кенгашлари, касб танлаш кенгашлари ва кабинетлари тўғрисидаги типовой низомни ишлаб чиқиб, уларни ёшларнинг ҳунар танлаш идоралараро республика кенгаши тасдиғига тақдим этиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон ССР Госплани, Ўзбекистон ССРнинг меҳнат Давлат комитети, министрликлар ва идоралар, маҳаллий советларнинг ижроия комитетлари билан бирга ўн биринчи беш йилликда халқ хўжалигининг оммавий касбларидаги кадрларга бўлган перспектив эҳтиёжларини 1980 йилнинг сентябрига қадар аниқлаб, уни халқ маорифи ва ҳунар-техника таълими органлари, ёшларнинг касб танлаш республика, область, шаҳар ва район кенгашларига қадар етказилиши лозим.

Ўзбекистон ССР меҳнат Давлат комитети республика меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, ёшларни конкрет ишчи касбларига йўллаш юзасидан министрликлар ва идораларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш борасида қўшимча чоралар кўрмоғи зарур.

Юқори синф ўқувчиларини ишга ўргатиш, тарбиялаш ва касб танлаш системасида мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари асосий бўғин эканлигини назарда тутиб, область, шаҳар ва район партия комитетлари, халқ депутатлари советларининг ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР маориф министрлиги, манфаатдор министрлик ва идоралар яқин йиллар ичида барча юқори синф ўқувчиларини шундай комбинатларга батамом жалб этишни назарда тутиб, шу муассасалар тармоқларини кенгайтириш борасида қўшимча чоралар кўришлари; уларни асбоб-ускуна, технологик машина-ускуналар, инструмент ва материаллар билан таъминлашни яхшилашга ҳамда тегишли даражада ишга ўргатишни ташкил қилишга алоҳида эътибор беришлари керак.

Ўзбекистон ССР маориф министрлигига мактабларда ўқувчиларнинг касб танлаш ўқув-методик кабинетларига раҳбарликни синфдан ташқари ва мактабдан ташқари тарбия ишларининг ташкилотчилари зиммасига юклаш, 1979 йилнинг 1 июнигача шу кабинетларнинг ишларини ташкил этиш ва уларнинг мазмуни юзасидан методик тавсияларни ишлаб чиқиш, 1979 йил мобайнида манфаатдор министрликлар ва идоралар билан биргаликда ҳар бир мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида оталикка олган саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотлари умумий сони ҳисобидан штатлари ва ишҳақи фонди бўлган касб танлаш кабинетларини тузиш таклиф этилди.

Қишлоқ меҳнат ресурсларини республика шаҳарларига жалб этиш мақсадида қишлоқлардаги умумий таълим мактабларининг ўқувчилари ишчи касбларини танлашини кучайтириш тавсия қилинди.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитети зиммасига 1979 йилнинг 1 сентябригача ҳар бир ҳунар-техника билим юрти ҳузурида касб танлаш кабинетлари очиш, Ўзбекистон ССР маориф министрлиги билан бирга умумий таълим мактаблари ўқувчилари орасида ҳунар-техника таълими системасида ёшлар таълими олиб борилаётган ихтисосларни пропаганда этиш ишларини кучайтириш; министрликлар ва идоралар билан бирга корхоналардаги қўнимсизликни қисқартириш мақсадида ҳунар-техника билим юртларини битириб чиқувчиларини ишлаб чиқаришга кўниктириш чораларини ишлаб чиқиш вазифалари юклатилди.

Ўзбекистон ССР маориф министрлигига, Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитетига, республиканинг институтлари ва малака ошириш курсавий системаси бўлган бошқа министрликлари ва идораларига 1980 йилдан бошлаб ёшларни касб танлаш ишлари учун масъулиятли муаллимлар, ишлаб чиқариш таълими мастерлари, врачлар, бошқариш аппаратлари, ўқув юртлари, корхоналар, қурилишлар, ташкилотлар ходимларининг ёшларнинг касб танлаш асослари юзасидан малакасини ошириши ташкил этиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетига, «Ёш гвардия» нашриётига, Ўзбекистон ССР меҳнат Давлат комитети, Ўзбекистон ССР маориф министрлиги, Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитети билан биргаликда ёшларнинг касб танлашига доир адабиёт чиқариш юзасидан ҳар йиллик тематик планларни ишлаб чиқиш, касб танлашга доир ва мамлакатимизда малакали ишчи кадрлар тайёрлаш масалаларини ёритувчи ранг-баранг плакатлар, расмли буклетлар ва бошқа адабиёт чиқаришни кўпайтириш, ғоявий-бадиий савияси ва сифатини ошириш вазифалари топширилди.

Бошқа министрликлар ва идоралар, партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, ўқув юртларининг коллективлари олдига ҳам республикада касб танлашни такомиллаштириш борасида конкрет вазифалар қўйилди.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН БИРДАМЛИК ЎЗБЕКИСТОН КОМИТЕТИНИНГ БАЁНОТИ

Вьетнам халқига қарши агрессив уруш бошлаган Хитой Вьетнамни кучсизлантириб тобе қилишни, Ҳинди-Хитойда ва Жанубий-Шарқий Осиёда гегемонистик режаларини амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Хитойнинг ҳукмрон доиралари ўз қўшинларини Вьетнамдан олиб чиқиб кетиш тўғрисида айтган бўлсалар ҳам кейинги кунларда Вьетнам халқига қарши жуда кўп жиноятларни давом эттирмоқдалар.

Кўпгина жойларда Хитой агрессорлари оммавий босқинчилик, маъдонлик қилмоқдалар, уй-жойларни ёндирмоқдалар, кўприкларни бузиб ташламоқдалар, тинч аҳолини ўлдириб, ерларни ҳаробазорга айлантириш тактикасини амалга оширмоқдалар.

Айни вақтда Хитой қўшинларининг Лаос Халқ Демократик Республикаси билан чегарада тўпланаётганлиги тўғрисидаги хабарлар ташвиш туғдирмоқда. Хитой агентурасининг Лаос чегара районларида разведка-диверсия ва қўпорувчилик фаолияти кучайди.

Биз Совет ҳукуматининг баёнотини қўллаб-қувватлаб ва Вьетнам халқи билан қардошларча бирдамлигини изҳор этиб, республика Африка-Осиё бирдамлиги ҳаракати қатнашчилари номидан БСРга қарши урушни дарҳол тўхтатишни, ҳамма Хитой қўшинларини Вьетнам территориясидан ҳеч сўзсиз, батамом олиб чиқиб кетишишни талаб қиламиз.

Биз Лаос чегараларида ҳарбий намойишларни ва бу мамлакатга бостириб киришга тайёргарликни тўхтатишни талаб қиламиз.

Биз кўп азоб-уқубатларни бошидан кечирган социалистик Вьетнамнинг қаҳрамон халқи томонидамиз.

Биз, «Вьетнамдан қўлингни тор!» деймиз.

МУКОФОТ ЯНГИ ЮТУҚЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

«Ўзбекфильм» студияси беш йилликнинг ўтган уч йилида катта меҳнат ютуқларини қўлга киритди. Ана шу давр мобайнида 15 та бадиий фильм, 15 та телевидение фильм, 12 та мультипликацион фильм, «Наштар» сатирик киножурналининг 18 та сони суратга олинди. 200 га яқин фильм ўзбек тилига дубляж қилинди.

Ана шу меҳнат муваффақиятлари учун «Ўзбекфильм» студияси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республика касаба Союзлари Марказий совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлган эди.

Яқинда киностудия коллективи йиғилиши бўлди. Тошкент область партия комитети секретари ўртоқ А. М. Хўжаев киностудия коллективига кўчма Қизил байроқни топшириб, каттадан катта ютуқлар тилади.

Киностудия директори У. Умарбеков, кинорежиссёр Ш. Аббосов, киносценарист Ж. Исоқов, оператор С. Усачёв, шофёр В. Капленко ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб мукофотга жавобан янада гайрат билан ишлашга аҳд қилганликларини айтдилар.

Э. ҚОДИРОВ.

ИШЧИ КАМОЛОТИ

БИР БЕШ ЙИЛЛИКДА ИККИ БЕШ ЙИЛЛИК

Қадрдон корхонаси томон бораётган Раҳим ака ҳаяжонушида эди. Шу ҳаяжон унга туни билан тинчлик бермади. Эрталаб ўқишга отланаётган ўғил-қизларининг гала-ғовуридан бироз эсдан чиққандай бўлди. Лекин, яна бутун вужудини қоплаб олган эди. Шивалаб ёғаётган баҳор ёмғири ҳам унинг бу ҳолатини тарк этмади. Сабаби фабрикага кираверишдаги кўргазмалар тахтасидаги чақириқда эди. Унда республикамиздаги бир группа илғор ишчиларнинг бир беш йилликда икки беш йиллик нормасини бажариш юзасидан бошлаган ташаббусига қўшилишга даъват этилган эди.

Шу куни иши жуда унумли бўлди. Нормани сал кам икки баравар қилиб бажарди. Лекин, оз бўлса ҳам ёшгина цехга томон тез-тез юриб кетди.

Бир неча йилдан бери ўзи бошқариб келаётган дастгоҳ Раҳим акани сабрсизлик билан кутгандай ярақлаб турарди. Енидаги яшикда турли-туман чарм заготовкалари тахлаб қўйилган. Р. Ҳакимов бир зумда корҳомасини қийди-да, дастгоҳининг барча ҳаракатланувчи қисмларини синчиклаб кўздан кечирди. Кўнгли тўқ бўлгач уни ишга тушириб юборди. Қўлига чарм бўлагини олиб, нотекис жойларини силлиқлай бошлади.

— Обдон ўйлаб кўришга тўғри келди,— секретарь галини сал танбеҳнамо деб тушунган пойафзалчи.— Айтгандай кейин удласидан чиқиш керак, бекорга ноғора чалишдан нима фойда.

— Шунисига ҳам катта раҳмат,— деди мамнунлик билан партбюро секретари.— Хайрли ишнинг кечи бўлмайди. Сизнинг бу ташаббусингизни, ўйлайманки бошқа касбдошларингиз ҳам қўллаб-қувватлашади...

Раҳим Ҳакимов секретарь хонасидан мамнун бўлиб чиқди. Шу корхонадаги бутун меҳнат йўли кўз ўнгидан ўтабошлади. Фабрикага келганига ҳам мана 22 йил бўлибди. Ўша вақтда пойафзалчиликдан ҳеч дараги йўқ йигитча эди. Касбни ўрганишга бўлган иштиёқ, ғайрат-шижоат унга нисбатан кекса пойафзалчиларнинг эътиборини кучайтирди. Шогирдлик даври жуда тез ўтиб кетди. Вир неча ойдан фабрика партия бюроси аъзоси, халқ контроли группаси фаолиятида актив қатнашади, бир неча бор фабрика касаба союз комитети аъзолигига сайланган.

Донгдор пойафзалчи корхонанинг ажойиб мураббийларидан бири ҳисобланади. У ўз касбини ўнлаб ёш ишчиларга ўргатди, нормасини бажараолмаётган касбдошларининг қолоқлар сафидан чиқишига ёрдам берди. Кўпгина пойафзалчилар унга устоз деб мурожаат қилишади. Шу сўзни эшитганда Раҳим ака ўзида йўқ хурсанд бўлади. Ўларга устозлик қилгани билан, ўгитлари бекор кетмагани учун, таълимини олган барча ишчилар ўз касбларига меҳр қўйганликлари билан чексиз фахрланади.

— Мен ҳам бир вақтлар нормани бажармас эдим,— дейди мураббий пойафзалчининг меҳрибонлигидан баҳраманд бўлган ишчилардан Ф. Чемирбоева.— Бунинг устига бракка ҳам йўл қўйиб турардим. Фабрикамизда қолоқларсиз ишлаш ҳаракати бошлангач Раҳим ака менга ўз хоҳишлари билан мураббийлик қила бошладилар. Билмаганларини қунт билан ўргатдилар, операцияларни тез ва соз бажариш усулларини тушунтирдилар. Менда нормани бемалол бажара олишимга ишонч ҳосил қилдилар. Ҳозир нормани доим ошириб адо этаяпман. Айрим кунлари иш кўрсаткичим 140 процентгача етмоқда. Бунинг учун Раҳим акадан бениҳоя миннатдорман.

Раҳим ака ҳақида бундай миннатдорчилик сўзларини бошқа пойафзалчилардан ҳам эшитиш мумкин.

Моҳир ишчи шахсий манфаатини шараф билан адо этмоқда. Ўнинчи беш йиллик топшириғини бажарганлиги ҳақида рапорт берганига ҳам анча бўлди. Ҳозир келгуси беш йиллик ҳисобига ишлаяпти. Коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номни оқлаб келаётган Раҳим аканинг камолат йўли шундай. Лекин, бу йўл тугаганича йўқ, у давом этмоқда. Демак, пойафзалчилар сардори Раҳим Ҳакимов меҳнат йўлида янада юқорироқ чўққиларни, янада салмоқлироқ ютуқларни эгаллайверади. Биз ҳам шунга тилакдошмиз.

М. МИРҲАМИДОВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ЭРОН МАЪМУРЛАРИНИНГ ЧОРАЛАРИ

ТЕҲРОН, 13 март. (ТАСС). Эронда давлат аппарати ва армияни шоҳпараст унсурлардан тозалаш жараёни давом этмоқда. Аввалги режимнинг халққа оғир жиноятлар қилиб, ўзига доғ туширган кўпгина ходимлари қаммоққа олиниб, судни кутмоқда. Бугун революцион трибуналнинг ҳукми билан шоҳнинг яна 12 нафар одами, шу жумладан парламентнинг собиқ депутати Дониши, Форс информация агентлигининг собиқ бошқарувчи директори Жафариан, эндиликда тарқатиб юборилган яширин сиёсий полиция САВАКнинг бир неча ходими отилди. Улар халқ манфаатларига хоинлик қилишда, шоҳ фитналарида қатнашишда, ватанпарварлардан ўч олишда айбдор деб топилдилар.

Муваққат ҳукумат экономика соҳасидаги аҳволни янада нормаллаштириш мақсадида чоралар кўрмоқда. Нефть қазиш секин-аста қўпайиб бормоқда.

Бугун муваққат ҳукумат Эрон агрессив СЕНТО блокидан чиққанлигини расман эълон қилди. Бош министр ўринбосари Амир Энтизам Эрон СЕНТО блокини тузиш тўғрисидаги шартномага илювалар ва қўшимчалар сифатида имзоланган барча битимларни ҳам бекор қилади, деди. Бундан ташқари у ҳозир мудофаа министрлиги шох режими бошқа мамлакатлар билан, биринчи навбатда Қўшма Штатлар билан имзолаган барча икки томонлама ҳарбий битимларни қайтадан кўриб чиқилпти деган гапларни ҳам айтди. Шу муносабат билан Эрон ҳарбий саноати корхоналари ишини тўхтатишга ҳам буйруқ берилди. «Кайхон» газетаси ҳарбий вертолётларни йиғишда банд бўлган америкаликларнинг 1.200 эксперти бўшатилганлигини маълум қилди.

ПЕКИННИНГ «МЕРДЕКА» ГАЗЕТАСИНИНГ ГЕГЕМОНИЗМИ ТЎҒРИСИДА ЁЗГАНЛАРИ

ЖАКАРТА, 13 март. (ТАСС). Индонезиядаги нуфузли «Мердека» газетаси Пекин маъмурларининг гегемончилик муддаоларини фош қилувчи мақола босиб чиқарди. Хитой раҳбарларининг ва аввало ХХР давлат кенгаши бош министрининг ўринбосари Дэн Сяопинининг айтган гаплари Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг раҳбарларини жуда ташвишга солиб қўйди, деб ёзади газета. Пекин шу регион мамлакатларидаги ҳукуматларга қарши яширин хитойпараст гуруҳларни аввалгидек қўллаб-қувватлай бериш ва пул билан таъминлаб туриш ниятида эканлигини шу гаплар тасдиқлади.

Малайзия хавфсизлик мажмасининг вакиллари, деб ёзади газета, кейинги вақтларда ХХР Малайзиядаги яширин қўпорувчи гуруҳларга «ёрдам ҳажмини кўпайтирганлигини» хабар қилдилар. Малайзия маъмурларига душманлик руҳидаги Пекин радиоэшиттиришлари қучайтирилди, Жануби-Шарқий Осиёда ҳаракат қилаётган қўпорувчи унсурлар Пекин территориясида зўр бериб тайёргарликдан ўтказилмоқда. Маълумки яқинда Манилада президент Маркос ҳукуматига қарши ҳаракат қилаётган ва янги халқ армияси деб аталган пекинпараст гуруҳнинг бир қанча раҳбарлари устидан суд бошланди.

Олинган маълумотларга қараганда, Пол Пот—Иенг Саринг қўғирчоқ режими ҳукмронлик қилган пайтда хитойлар Кампучияда Жануби-Шарқий Осиёдаги пекинпараст гуруҳларга бевосита раҳбарлик қилган махсус мувофиқлаштириш бюросини ташкил қилган эдилар. Кампучия ХХР раҳбарлари учун маҳаллий аҳолининг «миясини ювиш» учун, бошқача қилиб айтганда эса, геноцид сиёсатини ўтказиш, хитойча тартибларни қабул қилишдан бош тортган ҳамма кишиларни шафқатсизларча қирғин қилиш учун синов майдони бўлиб қолган эди, деб уқтиради газета. Хитойнинг ҳозирги ҳукмдорлари бутун Жануби-Шарқий Осиёни бахайбат қамоқ лагерига айлантиришга интилаётганликларини Пекиннинг Кампучиядаги ҳаракатлари кўрсатиб турибди.

Ҳозирча Пекин Жануби-Шарқий Осиёда кенг миқесда ҳарбий экспансия қилиш учун кучи етмайди, деб ёзади «Мердека» газетаси. ХХРнинг Вьетнам Социалистик Республикасига қарши агрессияси Хитойнинг ҳарбий машинаси заифлигини кўрсатди. Бироқ Пекин маъмурлари, деб уқтиради газета, территория даъволари билан майдонга чиқиб, чегара можароларини уюштириб, бўзғунчи унсурларни қўллаб-қувватлаб, шу тариқа Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига тазйиқ ўтказмоқдалар, уларни чўчитишга ва уларга ўз ҳоҳишларини тиқиштиришга уринмоқдалар. Шунинг учун ҳам ХХРнинг шу райондаги аҳволни стабиллашга йўл қўймаслик муддаоси мутлақо тушунарлидир.

Пекиннинг ўзи очиқдан-очиқ гегемончилик мақсадларини кўзлаб, айни бир вақтда бошқаларни гегемонизмда айбламоқда, деб ёзади газета. Агар ҳозир ХХР Совет Иттифоқи билан Вьетнамга «бу ёрлиқни тақиб қўяётган» бўлса (чунки улар Хитойнинг Осиёдаги экспансиячилик режаларига қаршилик қилмоқдалар), эртага Хитой ҳукмдорлари масалан Индонезияга қарши ана шундай айбни қўйишлари мумкин. Чунки Жакарта Пекиннинг тазйиқига бўйсунишдан ва Хитой элчихонасини очишдан бош тортди. Шунга асосланиб маочилар Индонезияни гегемончиликда айблашлари мумкин.

Кейинги вақтларда Пекин Жануби-Шарқий Осиёда шунчи Хитой миллатига мансуб кишиларга ёки ҳуқуқолерга катта эътибор бермоқда.

ПЕКИННИНГ ҚЎПОРУВЧИЛИК ФАОЛИЯТИ

РАНГУН, 13 март. (ТАСС). Бирманинг Хитойга чегарадош районларида жойлашиб олган пекинпараст гуруҳларнинг ҳукуматга қарши ишларидан норозилик намойишида 25 мингдан зиёд киши қатнашди. Намойишлар Шан миллий областининг еттита район марказида бўлиб ўтди. «Мьямма Алин» газетасининг уқтириб ёзишича, безориларнинг Монгшу районидаги тоғлиқ Мъегаунг қишлогидаги вахшиёна ҳаракатлари аҳолини даргазаб қилди. Аҳоли «Шан бирлашган армияси» отрядига озиқ-овқат беришдан бош тортганида қуролли босқинчилар бунинг аламига қишлоқни бутунлай ёндириб юбордилар ва бир неча деҳқонни ўлдирдилар.

Мамлакатдаги барча районларнинг аҳолиси пекинпараст гуруҳларга қарши курашда ҳукуматга катта ёрдам бермоқда. Чунончи шу йилнинг ёзларида ўтказилган муваффақиятли операциялари давомида Бирма армияси билан халқ милицияси Иравади ва Пегу округларида қўпорувчи унсурларнинг қаршилик маконларини тугатдилар. Ҳукуматга қарши кучларни тор-мор бўлишдан омон сақлаб қолиш учун уларнинг пекинлик хомийлари ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Хитой маочи шайкаларга моддий ёрдам бермоқда, қурол-яроғ ва ўқ-дорилар юбориб турибди.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ САФАРИДАН КЕЙИН

НЬЮ-ЙОРК, 14 март. (ТАСС). АҚШ президенти Ж. Картер билан Исроил бош министри Бегин ўртасида Қуддусда бўлиб ўтган музокараларда Бегин Тель-Авивнинг Исроил-Миср сепарат шартномасини имзолаш ҳусусидаги қаттиққўл позициясини яна тасдиқлади ва Мисрда янги ён беришларни талаб қилди. Гарчи ғарб матбуоти Қўшма Штатлар Исроил позициясини юмшатишга ҳаракат қилди, деб зўр бериб ёзаётганига қарамай, Бегин бугунги нутқида Ж. Картер Исроил раҳбарлари билан музокаралар давомида уларга ҳеч қандай тазйиқ ўтказмаганини айтди. Бегиннинг айтишича, шартноманинг имзоланиши Миср президенти Садатнинг «Исроил таклифларини қулай руҳда кўриб чиқишга» тайёрлигига боғлиқ.

Бугун Ж. Картер Исроилнинг талабларини Садатга топшириш ва Миср президентини янги ён беришларга кўндириш учун Қоҳирага келди. АҚШ президенти Садат билан музокара қилгандан кейин Вашингтонга жўнаб кетди.

«Нью-Йорк таймс» газетасининг эътироф қилишича, президент Ж. Картер, «Исроил билан Миср ўртасидаги сулҳ шартномасини тузиш йўлида турган қийин муаммоларни ҳал этишнинг удласидан чиқолмади». «У,— деб ёзади газета,— шу музокараларда воситачилик бўлишидек қалтис ва ғайри одатий ролни ўз зиммасига олишдан қўлаган мақсадига эришолмай Вашингтонга қайтиб келаяпти».


「有事立法」粉砕、元号法制化反対、グラマン
全国統一行動
全国統一
全国統一
全国統一

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“ ТАШАББУСКОР-ҚУВАЛИК ЧОРВАДОРЛАР ҲУЗУРИДА

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларида ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёрқин докладида қишлоқ хўжалигини, айниқса чорвачилик маҳсулотларини мўл-кўл етиштиришнинг конкрет йўллари кўрсатиб берилди. Бу жиҳатдан Фарғона область Қува райони чорвадорларининг ишлари мақтовга сазовордир. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов иштирокида ўтган йил бўлиб ўтган район партия комитетининг пленумида чорвадорлар қимматли ташаббус билан чиқдилар ва бу соҳада махсус тадбирлар белгиланди.

Қуваликлар 1980 йилга бориб гўшт, сут етиштиришни икки марта кўпайтириш юзасидан қизғин иш бошлаб юбордилар. Ҳозирги кунда улар ташаббуси асосида иш олиб бораётган кўплаб хўжаликлар ва матлубот жамиятларида молларни бўрдоқига боқиш йўлга қўйилди. Шунинг учун ҳам республикамиз қишлоқ хўжалиги илғорларининг қурултойида қувалик чорвадорларнинг ишлари ибрат қилиб кўрсатилди.

Дўстлар тажрибаси билан областимиз чорвадорларини таништириш мақсадида қуйидаги саҳифани бермоқдамиз.



Суратда: район партия комитетининг биринчи секретари М. Шербўтаев (ўнгдан иккинчи), Димитров номли колхоз раиси А. Деҳқонов, колхозлараро қурилиш ташкилотининг прораби Р. Акбаров, райкомнинг иккинчи секретари А. Ғуломов ва район матлубот жамиятининг раиси У. Каримовлар билан қурилажак чорвачилик комплекси макетини муҳокама қилишмоқда.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1978 ЙИЛ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ.

ҚУВАЛИКЛАР ИБРАТИ

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

Мусажон ШЕРБЎТАЕВ,
Ўзбекистон Компартияси Фарғона область Қува район комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Советининг депутати.

Ўтган йили баҳорда қувалик чорвадорлар гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кескин кўпайтириш ташаббуси билан майдонга чиқишди. КПСС Марказий Комитетининг 1978 йилги июль Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги докладида ва бошқа нутқларида совет кишиларининг моддий фаровонлигини оширишда чорвачилик алоҳида муҳим ўрин тутиши уқтириб ўтилди.

Район партия комитети бу ғоят муҳим ҳаётий масала билан жиддий шуғуллана бошлади.

Район партия комитетининг 1978 йил апрель ойида бўлиб ўтган пленумигача чорвачиликни кескин юксалтиришга доир тадбирлар тузиб, уни пленум муҳокамасига қўйди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидов пленум ишида иштирок этди. Чорва маҳсулотларини яқин уч йил ичида икки баробар кўпайтириш, кооперация йўли билан гўшт етиштиришни йўлга қўйиш, колхозларда бройлер фабрикалари қуриб ишга тушириш ва яна бир қанча муҳим масалалар ҳусусида жуда қимматли маслаҳатлар берди. Район коммунистлари, барча меҳнаткашлар бу йўл-йўриқларни қараклат учун программа сифатида қабул қилиб, янги куч-ғайрат билан меҳнат қила бошладилар.

Район партия комитети XII пленуми тасдиқлаган тадбирларда 1980 йилга бориб 1977 йилдагига нисбатан чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни икки баравар кўпайтириш кўзда тутилган. Партия ташкилотлари, хўжаликларнинг раҳбарлари бу тадбирларни амалга ошириш борасида катта ташкилотчилик ишларини олиб бордилар. Аниқ вазифалар моҳияти ҳар бир бажарувчига етказилиб, тушунтириб берилди. Ҳар бир чорвадор бугунги ва эртаги, ойлик ва йиллик вазифа нимадан иборат эканлигини билиб иш олиб борадиган бўлди. Уларнинг иш шароити яхшиланди, социалистик мусобақа кенг авж олдирилди, чорвадор меҳнати ҳам пахтакор меҳнати билан барвар қадрланадиган бўлди.

Моддий ва маънавий рағбатлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Натижада район чорвадорлари 1978 йилда гўшт етиштиришни 1977 йилдагига нисбатан 38 процентга кўпайтирдилар, сут 24 процент, тухум 34 процентга кўпайди.

Чорвачилик кадрлари билан ишлаш биринчи галдаги вазифа қилиб қўйилди. Бу масала билан райкомнинг иккинчи секретари А. Ғуломов раис бўлган махсус совет шуғулланади. Март—июль ойларида Охунбобоев номли колхоз фермаси базасида илғор тажриба мактаби машғулот ўтказади. Ана шундай мактаб ўтган йили «Коммунизм» совхозида ҳам иш олиб борган эди. Ўқувга ферма мудирларидан тортиб бузоқбоқарларгача, чорвачиликдаги барча звено ходимлари жалб қилинди. Кадрлар меҳнати ва ҳақ тўлашда янгича тартиб жорий қилинди. Эндиликда махсус аттестациядан ўтган чорва ходимлари класс категорияларига қараб қўшимча ҳақ оладилар. Ўз касбининг устаси номини олиш учун район хўжаликларида машинада сут соғиш операторлари, бузоқбоқарлар, паррандабоқарлар, молбоқар, қўйчивонлар ва чорва механизаторлари конкурслари ўтказилади.

Колхозларда наслчилик, фермалар ишини ташкил этиш, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, чорвачилик комплексларини қуриш ва механизациялаш, ташкилий-партиявий ишларга онд аниқ режалар мавжуд. Колхозлараро бўрдоқичилик базаси, район матлубот жамиятининг чорвачилик комплекси коллективлари райком тузган тадбирлар асосида иш юритишмоқда. Ана шундай тадбирларга кўра корхона, мактаб ва колхозчиларнинг ёрдамчи хўжаликларида ҳам чорвачиликни ривожлантириш у ёки бу даражада рағбатлантирилмоқда.

Бизда экин майдонларини кенгайтириш имконияти йўқ. Шунинг учун район партия комитети ҳар бир қарич ердан самаралироқ фойдаланиш, экинлар ҳосилдорлигини тинмай ошириш чораларини изламоқдалар. Биргина мисол: олдин беда мавсумда уч марта ўриларди, ҳар бир ўрим 15—20 кунга чўзилиб кетарди. Ўтган йили техникадан унумли фойдаланилди, беда беш марта ўриб олинди, ҳар бир ўрим бир ҳафта-ўн кунда тугалланди. Сўнг бир йўла ўғит солиниб, сув қўйилди. Натижада гектар ҳисобига 175 центнердан беда пичани олдик. Силосга ўрилган маккажўхори кўк поясининг гектаридан 500 центнердан ҳосил олдик.

Озуқабоп экинларга унумдор ерлар ажратилди. Маданий-маҳаллий ўғитлар билан етарли миқдорда таъминлашга эришяпмиз. Ўтган йили гектаридан 600 центнер лавлаги олиндик. Судан ўти ҳам чорва учун баракали озуқа экан. олти ўримда ҳосилдорлиги 550—600 центнерга етди. Ҳар бир гектар ердан олинадиган озуқа бирлиги умуман 1977 йилга нисбатан 1,5 марта кўпайди. Район партия комитети алмашлаб экишни амалга ошира бориб, хўжаликларда оралиқ ва такрорий экинлар экишга ҳам катта эътибор бермоқда.

Бу йил районимиз чорвадорлари олдида янада катта вазифалар турибди. Белгиланган тадбирлар комплексига кўра гўшт етиштиришни ўтган йилга нисбатан 410 тоннага, сутни 2200 тоннага, тухумни 500 минг донага кўпайтириш, ёки 25—27 процент ўсишни таъминлашимиз лозим. Шунинг учун ҳам районимиз партия, хўжалик ташкилотлари ва барча меҳнаткашларнинг диққат-эътибори — КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг чорвачиликни кескин ривожлантиришга қаратилган қарорларини муваффақиятли амалга оширишга жалб қилинган.

ҲАММА нарса коммунистларнинг ташаббуси билан бошланди. Ўтган йилнинг апрель ойи эди. Район партия комитетининг чорвачиликни кескин юксалтириш масалаларига бағишланган пленум бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов қатнашган бу пленумда районда гўшт, сут етиштиришни кўпайтиришга олдиндан махсус тадбир ишлаб чиқилди. Бу тадбирда биз матлуботчилар олдида ҳам катта вазифалар қўйилган эди.

БИЗ активлар, мутахассислар ва тегишли ташкилотлар билан маслаҳатлашиб, ишни қурилишдан бошладик. Бунинг учун бизга махсус жой ажратиб берилди. Кўп ўтмай, 30 минг бош жўжа боқишга мослаштирилган паррандахона қурилди ва у 15 апрелдан бошлаб ишга тушди. Сўнг молхона қурилиши ҳам бошлаб юборилди. Комплексда ишлаш учун ўз касбига ихлос қўйган тажрибали чорвадорлар таклиф этилди. Аҳолидан мол сотиб олиб, сўкимга боқа бошладик. Бунда озиқ-овқат корхоналари чиқиндиларидан фойдаланишни ҳам унутмадик. Гўшт учун сўйилган қорамолларнинг ўртача оғирлиги 450 килограммгача етказилди. Район партия комитети, юқори ташкилотларнинг бевосита ёрдамида ишимиз кун сайин жонланди. Шундай қилиб ўтган йили район партия комитети тадбирида белгиланган 361 тонна ўрнига 418 тонна гўшт тайёрланиб, аҳолига сотилди. Фарғона тўқимачилик комбинатига 50 тонна гўшт етказиб бердик. Семиртириш ҳисобига 175 тонна гўшт тайёрланди.

Матлубот жамияти системасида 1518 та киши меҳнат қиладн. Биз улар ўртасида ҳам катта тушунтириш ишларини олиб бордик. Натижада ҳар қувватидан тўла фойдаланиш, ҳар бир мутахассис, ҳар бир чорвадорнинг унумли ишлашига эришиш керак деган қарорга келинди. Шундай қилиб, бу йил тирик вазнда 1100 тонна гўшт етиштиришга қарор қилдик. Ана шу гўштнинг 205 тоннаси семиртириш ҳисобига олинади.

Ҳонадонларда чорва боқишни йўлга қўйиш ҳисобига гўшт етиштиришни кўпайтириш муҳим резервдир. Лекин бу резервдан унумли фойдаланиш керак. Матлубот жамиятимиз бўрдоқичилик ва паррандачилик комплексининг ветеринария врачлари бу масалада ҳонадонларга ҳам сидқидилдан ёрдам бермоқдалар.

Матлубот жамиятимизнинг ишчи-хизматчилари, коммунистлари иштирокида шу йилнинг бошларида ўтказилган йиғилишда ўтган йилги қилинган ишларимизга якун ясадик. Ютуқлар қайд қилиниши билан бирга камчиликлар ҳам кўрсатилди. Комплекснинг қувватидан тўла фойдаланиш, ҳар бир мутахассис, ҳар бир чорвадорнинг унумли ишлашига эришиш керак деган қарорга келинди. Шундай қилиб, бу йил тирик вазнда 1100 тонна гўшт етиштиришга қарор қилдик. Ана шу гўштнинг 205 тоннаси семиртириш ҳисобига олинади.

Ҳонадонларда чорва боқишни йўлга қўйиш ҳисобига гўшт етиштиришни кўпайтириш муҳим резервдир. Лекин бу резервдан унумли фойдаланиш керак. Матлубот жамиятимиз бўрдоқичилик ва паррандачилик комплексининг ветеринария врачлари бу масалада ҳонадонларга ҳам сидқидилдан ёрдам бермоқдалар.

Ҳозирги пайтда иккита катта комплекс ишлаб турибди. Бу комплексларнинг ҳар бирида 320 тадан мол сўкимга боқилмоқда. Бу ерда асосий ишлар механизация асосида бажарилаётир. Кунига бу молларнинг 700—800 грамм семиришига эришмоқдамиз. Моллар бўрдоқига қўйилган кундан бошлаб 90 кун боқилади. Ана шунда ҳар бирининг тирик вазни 420—450 килограммга етади.

Жўжахонада 3 та корпус бор. Ҳар бирида 20 мингтадан жўжа боқилмоқда. Шу кунларда эса тухум қиладиган 12 минг бош товуқ учун янги комплекс қурилмоқда. Бу комплекс йил охирида ишга тушади. Келаси йилдан бошлаб, 1 миллион донадан тухум етказиб берамиз.

Инкубация цехи май ойида ишга тушади. Бу цехда бир йўла 90 минг жўжа очириладн. Сўнгра биз аҳолига йилига кам деганда 300 минг бош жўжа етказиб бериш имкониятига эга бўламиз. Чорвачилик, паррандачилик комплексимизнинг келажаги порлоқ. Бир неча юз гектар экин майдонимиз бор. Ана шу ерда маккажўхори ва бошқа озуқа экинлари экиладн. Келгусида ўз эҳтиёжимизни тўла қондирадиган ем-хашак етиштириш имкониятига эгамиз. Чорвадорлар учун турар-жой бинолари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилади.

Биз матлуботчилар партиямиз белгилаб берган вазифаларни сўзсиз бажариб, коммунистик мўл-кўлчиликни вужудга келтиришга муносиб ҳисса қўшиш учун барча имкониятлардан тўла фойдаламиз.

ГЎШТ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАДИР. БУ ВАЗИФАНИ ҲАЛ ҚИЛИШ УЧУН ҲАММА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ ВА РЕЗЕРВЛАРИМИЗДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНИШИМИЗ, ҲАММА ТУРДАГИ ГЎШТ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШГА ЭРИШИШИМИЗ ЛОЗИМ.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

СЕМИРТИРИШ ҲИСОБИГА 205 ТОННА ГЎШТ

У. КАРИМОВ,
район матлубот жамияти раиси.

МОЛЛИ КОЛХОЗ-МОЙЛИ КОЛХОЗ

С. САИДАЗИМОВ,
«Коммунизм» колхозининг бош чўпони.

ФЕРМАМИЗ базасида мавсумий илғор тажриба мактаби ташкил қилинган эди. Яқинда ферма мудирлари, зоотехник ва ветеринарлар, ҳисобчи, лаборант, осеминатор ва сут соғувчилар бу мактабни битириб чиқишди. Улар тўрт синфга бўлиниб, КПСС Марказий Комитети июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладлари ва нутқлари асосида чорвачиликни ривожлантириш, ферма ишларини ташкил қилиш, механизациани жорий этиш, зооветеринария тадбирларини ўтказиш, ҳисоб-китоб ишларини тартибга солиш, маҳсулот сифатини ошириш, озуқадан тежаб фойдаланиш, наслчилик ишлари бўйича тўпланган тажрибаларни ўргандилар.

Назарий ва амалий машғулотларни район партия комитети секретарлари, бош мутахассислар, олимлар ва уста чорвадорлар олиб боришди. Район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ю. Мамадалиев, бош зоотехник Ф. Мустаев, бош инженер Ш. Мирзажонов, ташкилий-колхоз бўлимининг мудири Э. Шерматов, ветеринария врачи М. Бўрнев, Калинин номли колхоз ферма мудири И. Қурбонов, «Коммунизм» колхози сут соғувчиси Х. Холова ўртоқлар тўпланган сухбатлар барча тингловчилар учун самарали бўлди.

Колхозимиз чорвадорлари ҳам тажриба мактаби машғулотларидан бахраманд бўлиб, фан-техника ютуқларини ишчилик билан жорий этмоқдалар. Ҳозир бизда 250 та зотли бузоқ боқилаяпти. Бузоқларни 10 кунликдан бир ойликкача алоҳида сақлаб парвариш қиляпмиз.

Ҳаммамизнинг мақсадимиз гўшт етиштиришни кўпайтириш. Бунинг учун эса ҳар бир колхоз, совхозда энг биринчи навбатда урғочи моллар ядросини кўпайтириб олиш керак. Афсуски айрим ҳолларда бу масалага эътибор берилмаяпти. Гўштга топшириш баҳонаси билан ҳатто урғочи молларнинг сўйиб юборилишига йўл қўйилмоқда. Бизнингча бу соҳада қатъий тартиб ўрнатиш керак.



● СУРАТДА: колхозлараро бўрдоқичилик базасининг ветеринария врачи З. Ортиқов, ферма мудири К. Носиров ва молбоқар Т. Юсупов ўртоқлар гўштга топширилдиган молни кўздан кечиришмоқда.

БАРАКА КОМПЛЕКСЛАРИ

Э. МИРАҲМЕДОВ,
Охунбобоев номли колхоз зоотехниги.

1978 йили хўжалигимизда 600 бош молга мўлжалланган сут-товар комплекси қуриб ишга туширилди. Бу ерда ҳозир 400 та сигир боқиляпти. Ўзимизда етиштирилаётган ва бошқа хўжаликлардан олинган ғунажинлар ҳисобига сигирлар сонини яқин вақт ичида 600 тага етказамиз, комплекс тўлиқ қуввати билан ишлай бошлайди.

Шу кунларда 225 соғин сигирнинг ҳар биридан 10—12 литрдан сут соғиб олинпти. Бу кўрсаткич қиш пайтида ҳам камаймади. Чунки сигирлар белгиланган рацион асосида боқилмоқда. Озуқа цехи йил бўйи ишлайди. Беда, сомон, дағал хашак, лавлаги ва силос қориштирилиб, бугланиб хушбўй озуқа тайёрлаб берилади. Фермада иш қатъий график асосида олиб борилади. Инобат Буваназарова, Ўғилчахон Тиллабоева, Ҳабиба Нуралиева, кечагина 17-ўрта мактабни битириб фермага келган олов қалб ком сомоллар Санобар Турдимова, Эътибор Жалилова, Ҳосият Қиргизбоева сигарни сут соғувчилар партия режаларини амалга оширишда бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Уларга унумли меҳнат қилиш ва мазмунли дам олиш учун етарли шароит яратилган. Ҳафта сайин кинофильм, концерт намойиш қилинади. Чорвадорлар бўш пайтларида спорт билан шуғулланишлари мумкин. Модий ва маънавий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган.

Колхозимиз гўшт етиштиришда ҳам қувончли кўрсаткичларга эришмоқда. Ярим йиллик гўшт тайёрлаш плани февраль ойидаёқ ортиги билан бажарилди. Йиллик план сентябрь ойигача адо этилади. Бунинг учун етарли асосларга эгамиз.

Ҳозир 305 бош новвос боқиляпти. Қўйчилик фермасида 4841 бош қўй бор бўлиб, баҳор, ёз ва куз даврида Олой тоғи этакларида яйратиб ўстирилади. Қишда эса шу ерда — колхознинг вақтинча қўтонида сақланади.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардим. Олдинлари райондан ва бошқа юқори ташкилотлардан чорва масаласида вакил келса колхоз раиси ёки партия ташкилотининг секретари билан суҳбатлашиб қайтар эдилар. Эндиликда бу практикага чек қўйилди. Бевосита чорва мутахассисларига, оддий чорвадорларга мурожаат қилинмоқда. Уларнинг фикр ва мулоҳазалари асосида кўпгина фойдали тадбирлар белгиланиб, амалга оширилмоқда.

ХОНАДОНЛАР ҲИССАСИ

ҲУЖАЛИГИМИЗ кўп тармоқли. Пахтачилик билан бирга чорвачилик ҳам йилдан-йилга ривожланмоқда. Айниқса КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларидан сўнг бу соҳада катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили мўл-кўл пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан бирга хўжалигимиз бўйича 530 тонна сут, 125 тонна гўшт етиштирилди. Лекин партиямиз талабларн нуқтаи-назаридан қарайдиган бўлсак, ҳали чорвачиликни ривожлантириш соҳасига кўп иш қилиниши керак. Хўжалигимиз сут-товар фермасининг ходимлари бу масъулиятни тўла ҳис қилиб, ўз зиммаларига янги мажбурият олган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.

Чорвачиликни ривожлантириш— бу умумхалқ вазифаси. Биз ҳам бу ишдан четда колмаслик учун ҳаракат қилмоқдамиз. Шунисн қувончлики, колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бу соҳада бизга катта мадад бермоқда. Хўжалик бўйича 1100 та хонадон мавжуд бўлса, ҳозир ҳар бир хонадонда ўрта ҳисобда олтитагача қорамол, 15—20 тадан товуқ боқилмоқда. Хўжалигимизнинг рағбарлари, айниқса, мутахассислар бу хонадонларда ветеринария хизматини намунали йўлга қўйилишини назорат қилиб борадилар. Зарур бўлганда ем-хашакдан ёрдам бериб турилади.

Элда бўлса элга нафи тегади. Биз ҳисоблаб чиқдик. Агар ҳар бир хонадон йилига лоақал ўртача 50 килограммдан гўшт етказиб берганда у ҳолда шахсий хонадонлар ҳисобига 500—550 тонна гўшт тайёрланар экан. Бу колхоз бўйича етиштирилаётган гўштдан 4—5 ҳисса кўп. Бундан кўриниб турибдики, шахсий хонадонларда чорвачиликка эътиборни кучайтириш — бу ғоят катта ва муҳим резерв. Ҳар бир колхоз ва совхозда бу резервдан оқилона фойдаланиш катта фойда келтиришни унутмаслик керак.

Қурбонбой БОЛТАБОЕВ,
Собиржон МИРЗАМАТОВ,
Бегмат БОЙМАТОВ,
Эргаш СОИПОВ,
Димитров номли колхоз аъзолари.


ЗОТДОР МОЛЛАР КЎПАЯДИ

Ф. СУФИХЎЖАЕВ,
колхозлараро бўрдоқичилик базасининг директори

УТГАН йили катта муваффақиятга эришдик. Район бўйича давлатга сотилган гўштнинг 53 процентини биз тайёрлаб бердик. Колхозларга 66 та ғунажин топширдик.

Район партия комитетининг XII пленумида ишлаб чиқилиб қабул қилинган тадбирларни бажара бориб 1 центнер гўшт таннархини пландаги 139 сўм ўрнига 124 сўмга арзонлаштиришга эришдик (1975 йилда 180 сўмга тўғри келганди). Бундан буён чорвачилик маҳсулотларини тобора кўпайтириш, сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш йўлидан бориб, йиллик гўшт етиштиришни 1200 тоннага етказамиз. 1 центнер гўшт таннархини 90 сўмга туширамиз. Бунга эришиш учун барча имкониятлар бор. Мавжуд 479 гектар экин майдонидан мўл-кўл озуқа оламиз. Маккажўхори, буғдой, арпа, беда, судан ўти экинларини алмашлаб ва такрорий экиш ҳисобига ем ҳамда силосбоп сомон ва пичан тайёрлашни кўпайтирамиз.

Сут етиштиришни кўпайтиришга ҳам муносиб ҳисса қўшамиз. Райком белгилаган тадбирларга биноан янги бузоқхона комплекси қурилади. Бузоқларни 20 кунлигида қабул қилиб, парваришлаб бошлаймиз. Колхозларга сигир учун зотли ғунажинлар етказиб берамиз. Наввосларни сўкимга боқамиз.



● РАЙОН матлубот жамиятига қарашли бўрдоқичилик комплексида.

Ғ. Қосимов фотолари.

Бу саҳифани редакциямиз ходимлари Н. РИХСИЕВ ва А. АБДУБАННОПОВ ўртоқлар уюштирдилар.



ХАЛҚ ЖАСОРАТИ ЭПОПЕЯСИ

КИНО

Тошкент Санъат саройида совет кинохужжатчиларининг АҚШ кинематографчилари билан ҳамкорликда яратилган 20 қисмдан иборат бўлган «Улуғ Ватан уруши» киноэпопеясининг дастлабки сериялари намойиш этила бошланди. Парда кўтарилиб, экранда «Ватан уруши» деган ёзувни ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг қуйидаги сўзларини ўқиймиз:

«Совет халқи учун бу Улуғ Ватан уруши эди. Совет халқи озодлик ва ўз Ватанининг мустақиллиги учун, Европани ва бутун дунёни фашистлар асоратидан қутқариб қолиш учун уруш олиб борди. Бу уруш 20 миллион совет кишисининг ёстиғини қуритди. Халқимиз бу урушни ҳеч қачон унутмайди...».

Фильмнинг бошланғич икки қисми «1941 йил 22 июнь» ва «Москва учун жанг» деб номланган.

Программа Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, СССР Халқ артисти Роман Лазаревич Карменнинг бадиий раҳбарлигида яратилган. Фильмда тўрт йиллик оғир уруш йўлларининг чексиз қийинчиликларини бошдан кечириб, тиш-тирноғигача қуролланган ёвуз душманга қарши қаҳрамонона жанг олиб борган совет баҳодирларининг ёнида туриб, уларнинг мислсиз жасоратларини, аянчли, оғир кечирмаларини, оламшумул-тарихий ғалабаларини ленталарга туширган 252 совет кинооператорларининг бебаҳо кинохужжатларидан фойдаланилган. Авторлар ва режиссёрлар группаси бир миллион метрдан зиёд кинохужжатларни совет ва чет эл архивларидан кўриб чиққанлар.

Фильмнинг дастлабки кадрларида 1941 йилнинг нотинч дамлари, Европанинг кўп мамлакатларини босиб олиб, ўзининг 5,5 миллионлик тўлиқ қуролланган қўшинларини Шарққа, Совет Иттифоқи чегараларига билинтирмай тўплаётган Гитлер Германиясининг ёвуз ниятларини, мислсиз қирғинлик урушига тайёргарлигини тасвирловчи лента кўзга ташланади. Гитлер Европанинг кўпгина мамлакатларини осонликча босиб олиб, уларни талаб, топтаган қўшинларини Шарққа юришга, Совет Иттифоқи ерларини «ящин тезлигида» босиб олишга бошлайди. Илгари урушда бўлган бирор мамлакат қўшинининг қаттиқ қаршилигига учрамаган, талон-тарож билан умри ўтган гитлерчи каллакесарлар 1941 йилнинг 22 июнь тонготарида ўз кўмондонларининг буйруқларини кутадилар.

Советлар диёрида эса осойишта ҳаёт кечади. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилаётган совет кишилари она-Ватан меҳри билан ҳаёт кечирадилар. Дарёлар тўсилиб, янги ГЭСлар қад кўтаради, янги корхоналар ишга тушиб, она-Ватан мудофаасига, аҳоли эҳтиёжларига зарур бўлган буюмлар ишлаб чиқарилади. Бепоён далаларда ҳалол меҳнат туҳфаси бўлган мўл ҳосил қарқара бўлиб ўсади. Шаҳарлар, қишлоқлар кўркамлашиб, осойишта, фаровон ҳаёт дамлари кезади. Маданият саройларида, театрларда, томоша жойларида атоқли санъаткорларимиз, халқ талантлари ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

Чегараларимиз посбонлари ва қўшинларимизнинг шахсий составлари ўз жойларида, постларида одатдаги дам олиш тонг-отарини кутиш оғушида эдилар. Гитлер Германияси Совет Иттифоқи билан урушмаслик тўғрисида битим тузганлигига қарамай ҳиёнаткорона қўққисдан ҳужум бошлайди. Дам олиш тонготарида ғарбий чегараларимизда тарихда мисли кўрилмаган шиддатли жанглар бошланиб кетади. Қора денгиздан Оқ денгизгача бўлган бир неча минг километрлик она диёр сарҳадларида ҳавфли ёвнинг қонли йўлини тўсиш бошланади.

Биринчи жанг чегара постларида бошланади. Баҳодир чегарачиларимиз ёпирилиб келган душман техникаси ва жонли кучига қарши зарба берадилар, ўзлари ҳалок бўлсаларда, ёвнинг йўлида унинг ўликларини қолдиришга, талафот кўришга мажбур этадилар.

Экранда Брест қалъаси кўрсатилади. Бу ерга Гитлер ўз гумаштаси Муссолинини олиб келади. Брест қалъасининг душман ўқ, снаряд, бомба ва портлагичларидан илма-тешик бўлган, эриб, қоришмага айланган темир-бетонлари фашистлар бошлиқларига даҳшат солиб турарди.

Фашист босқинчилар оёғи теккан жойда қулоқ эшитмаган, кўз кўрмаган ёвузликларни қиладилар. Бутун-бутун шаҳар ва қишлоқларни вайронага айлантирадилар, гуноҳсиз қариялар, аёллар ва болаларни қириб ташлайдилар. Дуч келган ҳар бир нарсани талаб, қолган-кутган нарсаларни йўқ қилиб ташлайдилар.

Душман катта тайёргарлик кўриб, қўққисдан ҳужум қилиб, босиб олган жойларини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Қонли қўлини Москвага, Ленинградга чўзади. Волга бўйига, Кавказ тоғларига етишга интилади. Ватанимиз катта хавф остида қолади. Совет Қуролли Кучлари, бутун совет халқи Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг гитлерчи босқинчиларнинг қонли йўлини тўсиб, унга қақшатғич зарбалар бериш ва душман устидан узилкесил ғалаба қозонишга чорлаган даъватига қасамёд қилиб, социалистик давлатимиз ҳимоясига отланадилар. Халқимиз «ҳамма нарса фронт учун», «ҳамма нарса ғалаба учун» шиори остида яшайди.

Кино лавҳаларни қаяжонланмай кўздан кечириб бўлмайди. Фронтга кетган оталар, акаукалар ўрнига хотин-қизлар, қариялар ва ўсмирлар меҳнат фронтига отланадилар.

Киноэпопеянинг «1941 йил 22 июнь» қисмида совет халқининг ҳаётидаги энг оғир дамлар, гитлерчи босқинчиларнинг она-Ватанимизнинг ғарбий чегараларида қилган хунрезлиги, ёвузликларини, қўшинларимизнинг чекинишлари, қуршовда қолган жангчиларимизнинг оғир қийинчиликларга дучор бўлганликлари, жангоҳлардаги йўқотишлар акс эттирилган. Бу лентларни кўрган ҳар бир киши урушнинг дастлабки кунларида Ватанимиз бошига қандай катта хавф туғилганлигини, бу хавфнинг олдини олиш учун шавқатли қуролли Кучларимиз ва баҳодир халқимиз ҳеч нарсани аямай жангга отланганини тасаввур эта олади.

«Москва учун жанг» қисмида она-Ватанимиз пойтахтини ҳимоя қилиш воқеалари, ҳеч нарсага қарамай бостириб келаётган босқинчиларнинг йўлини тўсиш ва Москва бўсағаларида уларни тор-мор қилиб, орқага улоқтириб ташлаш учун олиб борилган оғир жанглар тасвирланган. Гитлер 1941 йил ноябрь ойининг дастлабки кунларида Москвани босиб олиш ва кейин уни сувга бостириб, йўқ қилишни ўйлаган эди. Бунинг учун ўзининг сараланган қўшинларини, авиация, бронелаштирилган қисмларини жангга ташлаган эди. Москва остоналарида шиддатли энг оғир жанглар боради. Душман Смоленскни босиб олади. Тула шаҳари бўсағасида жанглар олиб боради. Қандай бўлмасин 7 ноябргача Москвага кириб бориб, у ерда ўз қўшинларининг парадини ўтказмоқчи бўлади. Лекин унинг хом хаёли пучга чиқади. 7 ноябрда жонажон пойтахтнинг Қизил майдонида қаҳрамон қўшинларимизнинг паради бўлади ва параддан кейин қўшинларимиз тўғри жанг майдонларига йўл оладилар.

Москва бўсағаларида совет қўшинлари, шу жумладан бизнинг Ўрта Осиё қарбий округидан фронтга борган 316-ўқчи дивизия жангчилари, унинг афсонавий командири генерал Панфилов бошчилигида ёвнинг бронелашган қўшинлари ва уларга қақшатғич зарбалар берадилар. Душман танклари дивизия истеҳкомларига ҳужум қилади. Панфиловчилар ҳамжиҳатлик билан ёвнинг зирҳли кучига қарши жангга кўтариладилар. Жанг майдонида Гитлернинг мақталган танклари ёна бошлайди, ҳамласи барбод бўлади. Дубосеково разъездида политрук В. Г. Клочков жангчиларга «Россия бепоён. Лекин қаёққа чекинамиз. Орқамизда — Москва!» деб хитоб қилади. Унинг чақириғи дивизия жангчиларини мислсиз қаҳрамонликка бошлайди. Кучлари оз қолганлигига қарамай, панфиловчилар душман устидан ғолиб келадилар. Душман Москва остонасига қадам қўяолмайди. Аксинча у ерда биринчи марта қаттиқ зарбага учраб, эгаллаган жойларидан чекинишга мажбур бўлади.

Душман пойтахт томонга юриш бошлаганида, совет кишилари, пойтахт меҳнаткашлари жонажон Москва мудофаасига кўзғалди. Москва атрофида ва шаҳар кўчаларида мудофаа истеҳкомлари бунёд этилди. Ишчилар, хизматчилар, олимлар, студентлар, қариялар, аёллар, ўсмирлар танкка қарши чоҳлар ва иҳота тўсиқлари ясашга сафарбар этилдилар. Москва кўчаларидаги катта биноларнинг тепаларида постлар пайдо бўлди, зенит тўплари Москва осмонини душманнинг ҳаво ҳужумидан қўриқлай бошладилар.

Москва бўсағасида Гитлернинг мақталган қўшинлари тор-мор этилади. Душман бир неча ўн километр орқага суриб ташланади. Бу — ғалаба, Қуролли Кучларимиз, совет халқининг Гитлер қўшинлари устидан қозонилган буюк ғалабасининг дастлабки дебочаси эди.

Киноэпопеянинг дастлабки икки қисмида Улуғ Ватан урушининг бошланиши ва Совет халқининг хавфли душманга қарши мардонавор кўтарилишини акс эттирувчи ёрқин лавҳалар акс эттирилган. Жанг майдонларида бўлсин, фронт орқасида бўлсин, совет халқи бор кучи ва имкониятини она Ватан ҳимоясига бахш этиб яшайди. Тиш-тирноғигача қуролланган ёвга қақшатғич зарбалар берадиган янги қуроллар ишлаб чиқарилади, янги қўшинлар жанг майдонларига отланадилар, совет жангчиларининг жанг майдонларидаги мислсиз қаҳрамонликлари, фидойиликлари ҳикоя қилинади.

Урушнинг бошланишидан тортиб то ғалаба кунининг байрам салютларигача бўлган бутун тарихни қамраб олган бу киноэпопея совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларида гитлерчи босқинчиларга қарши қаҳрамонона курашларини ҳикоя қилибгина қолмай, у замондошларимизга жаҳонда тинчликни сақлаш учун курашишга, Халқаро кескинликни юмшатиш йўлидаги ҳаракатни кучайтириш учун қизғин даъват бўлиб ҳам янграйди.

НАЗАРМАТ.

Реклама ва эълонлар

Муҳиддин Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

17, 18 МАРТ СОАТ 19.00 ДА

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Шерали ЖЎРАЕВ, Нуржаҳон САТТОРОВА, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Абдурашид МУСТАФАҚУЛОВ, Моҳичеҳра НУРМУҲАМЕДОВА, Акбар ИҲЛДОШЕВ, Абдуфаттоҳ САИДОВ (интермедия ва юмор), Собир МАҲКАМОВ (оригинал жанри).

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилмоқда.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 1-ТЕМИР-БЕТОН БУЮМЛАРИ ЗАВОДИГА

қолипчилар, арматурачилар, электр пайвандчилар, темир-бетон ва арматура цехларининг мастерлари, энергетик, цех бошлиғи, механик, нормаловчи, инженер-лаборант.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 4-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

бетончилар, ғишт терувчилар, монтажчилар, дурадгорлар, электр пайвандчилар, бўёқчилар, арматурачилар, тунукачилар, ёрдамчи ишчилар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ҚУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

слесарлар, токарлар, печатниклар, прессчиларга шогирдлар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА

экскаватор машинистлари, бетончилар, ғишт терувчилар, дурадгорлар, сувоқчилар, механизаторлар, инженер-энергетик.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

«ТАШТРАНССПЕЦСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ 72-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

труба ётқизувчи слесарлар, йўл ишчилари, газ-электр пайвандчилар ва электр пайвандчилар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.

Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

Чилонзор район пункти — Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй.

Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.

Ҳамза район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.

Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.

Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 89-уй.

С. Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси 270-уй.

А. Икромов район пункти — Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.

Сергели район пункти — район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

Спорт

«ПАХТАКОР»ДА ХАЛҚАРО ЎЙИН

Бугун «Пахтакор» стадионида мавсумнинг дастлабки расмий ўйини бўлади. Соат 18 да яшил стадионга СССР ва Венгрия ўсмирлар терма командалари тушадилар. УЕФА Кубоги саралаш учрашувларида қатнашаётган бу икки команданинг жавоб ўйинидан кейин навбатдаги босқичда қатнашадиган команда маълум бўлади.

Яқинда Тошкентда ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда Венгрия футболчилари ҳам иштирок этишди. Лекин венгер команда тренерлари ўз режаларини сир тутиш мақсадида Тошкентга бошқа команда олиб келишди.

— Бугун Венгрия терма командаси билан бўладиган учрашувда рақибларимизни беш қўлдек билмасак ҳам ўтган йили Будапештда бўлган биринчи ўйинда қатнашган футболчиларнинг аксарияти майдонга тушади деб ўйлаймиз, — деди СССР терма командаси катта тренери С. Коршунов. Маълумки биринчи ўйин натижасиз дуранг бўлган эди. Бу сафар бизга ҳам, рақибларимизга ҳам фақат ғалаба керак. Устун томон навбатдаги босқичда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

УЕФА Кубогининг навбатдаги босқичида бугунги учрашувнинг ғолиби Руминия терма командаси билан учрашади. Шунинг учун ҳам бугунги ўйинни кўриш ниятида Руминия командасининг тренери ҳам Тошкентга келган.

Совет футболчилари чемпионлик номини сақлаб қолиш ниятида майдонга тушадилар. Улар илгарилари ҳам УЕФА турнирида бир неча бор бош соврин эгаси бўлишган. Лекин ҳеч қачон ўтган биринчиликдагидек катта устунлик билан ғолиб келишмаган эди. Бешта ўйинда ғалаба! Бунинг устига 15 та тўп киритиб, ўз дарвозасидан бирорта ҳам тўп ўтказиб юборманган совет футболчилари бу сафар ҳам чемпионлик унвони учун асосий даъвогарлардан бири ҳисобланади.

Ўсмирлар терма командалари сафида 1960 йил 1 августдан кейин туғилган футболчиларгина қатнаша олади. СССР терма командаси сафида аввалги чемпионлардан фақат икки кишигина қолган. Булар киевлик дарвозабон С. Краковский ва Донецкнинг «Шахтёр» командаси марказий ҳимоячиси С. Овчинниковлардир. Терма команда ўзагини Тошкент халқаро турнирида қатнашган ва энг яхши деб топилган футболчилар ташкил этади. Терма команда сафига республикамиз вакиллари ҳимоячи Г. Денисов ва ҳужумчи К. Новиковлар ҳам таклиф этилган.

Ўзбекистон футболчилари ўсмирлар ўртасидаги УЕФА турнирларида илгарилари ҳам бир неча бор иштирок этишган. Булар В. Бектошев, В. Фёдоров, М. Ан ва бошқалардир.

СССР—Венгрия ўсмирлари ўртасидаги бугунги халқаро учрашув кескин ва қизиқарли ўтиши кутилмоқда.

БИЛДИРИШ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» редакцияси ҳузуридаги ишчи мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти 16 март куни ўтказилади.



МАШИНАЛАР СТАРТДА

БУТУНИТТИФОҚ ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

«КОММУНИЗМ» колхозининг машина-техника парки. Асфальтланган, озода, кенг майдон бугун ўзига хос автополигонни эслатади. Шинам бостирмалар олдида саф тортган юк ва енгил автомашиналар колоннаси баҳор қуёши нурида худди ҳозиргина завод конвейеридан тушгандек ярқирайди. Чунки, бугун колхозда техника кўриги куни. Кўрикка ҳамма-ҳамма — колхоз шофёрлари, шахсий машина эгалари ҳам шахта ҳозирлик кўришган.

Кўрик комиссияси ишга киришади. Колхоз автомобиль парки мудири Тошмуҳаммад Товбоев барча транспорт воситалари кўрикка тўла тахт экани ҳақида рапорт беради.

—Комиссия ҳайъати колхоз маъмуриятидан жуда миннатдор, — дейди комиссия раиси, Бўка район ГАИсининг катта инспектори, милиция капитани Рауф Галикеев, районда техника кўриги бошланишига бағишланган митингни очиб. — Ҳўжаликда мавжуд барча транспорт воситаларининг техник аҳволи аъло даражада. Қисқаси, районда энг яхши, кўрикка ҳам тез ва сифатли ҳозирлик кўрилди. Чунки, бу ерда техникага яхши муносабатда бўлишади, колхоз мулкини кўз қорачиғидек асрашади. Ўртоқ Т. Товбоев машина парки хўжалик ишларини намунали йўлга қўйган. Шу боисдан ҳам биз районда техника кўригини биринчи ана шу колхоздан бошлашга қарор қилдик.

Сўнгра ўртоқ Р. Галикеев йўл ҳаракати ҳавфсизлиги масалаларига батафсил тўхталди, йиғилганларни ҳаракат хавфсизлиги ойлиги муносабати билан чиқарилган мурожаатномалар ва турли варақалар билан таништирди.

— Кайф ҳолда рулга ўтириш — ўтакетган қотиллик, — деди у сўнгра фактлар таҳлилига ўтиб. — Бундай бефаросат одамга қаттиқ жазо кўрилади. Бундай жиноятга сабабчи ва унга алоқадор бўлган шахслар ҳам жазодан қутилиб қололмайди. Бир мисол: шу йил 3 февраль тунги соат учларда районимизда ана шундай жиноят, қотиллик содир бўлди. 83-МПМК шофёри Анвар Йўлдошев ўз шериклари билан ҳалдан ташқари ичкиликбозлик қилишган. Шофёр қаттиқ маст ҳолда машина рулига ўтирган ва сал вақт ўтмай давлат машинасини йўл чеккасидаги дарахтга бориб урган. Яқинда армиядан қайтиб келган, энди 21 баҳорни кўрган Анвар ичкилик туфайли бевақт нобуд бўлди. Бунга, аввало унинг ўзи ва ёнидаги шериклари сабабчи, албатта.

— Ўртоқлар, — деди 25 йиллик меҳнат стажига эга тажрибали милиция капитани, хушёр ва фидокор йўл назоратчиси ўртоқ Р. Галикеев сўзининг охирида йиғилганларга мурожаат қилиб, — доим хушёр, сергак бўлинглар. Ҳаммангизни контроль қилиш бизларга қийин. Энг яхши ва ишончли контроль — бу ўз виждонингиз. Виждон амрига қулоқ солиб иш тутинг. Ана шундагина сизлар биз — йўл назоратчиларининг энг яхши ёрдамчилари бўлиб қоласиз.

Сўнгра сўзга чиққан район автоҳаваскорлар клубининг бошлиғи А. Холтўраев ҳозир жамиятга 1450 автоҳаваскор аъзо экани, унинг фаолияти, мақсад ва режалари ҳақида гапирди. Йиғилишда сўзга чиққан район ҳарбий комиссариатининг муовини Х. Самидов, колхоз раиси С. Саймоқов ва бошқа ўртоқлар ҳам шофёрларнинг бурч ва вазифалари ҳақида тўхталиб ўтишди.

— Колхозимиз машина парки, — деди суҳбатда Саидраҳмон Саймоқов, — йилдан-йилга янги техника билан тўлиб боряпти. Ҳозирнинг ўзида хўжалигимизда 14 та юк машинаси ва 2 та енгил автомобиль мавжуд. Колхоз аъзоларимизда эса, турли маркалардаги 40 та енгил автомашина бор. Буларнинг ҳаммаси тўқ ва фаровон ҳаётимиз рамзи, колхозчи-деҳқонларимиз фидокорона меҳнатининг мевасидир. Бунда сергайрат шофёрларимиз қўшаётган салмоқли меҳнат улуши алоҳида таҳсин, эътиборга лойиқ. Шу ўринда илғор шофёрларимиздан — Т. Хонаев, А. Ахмедов, А. Ғофуров, слесарлар — А. Муродов ва Б. Бекпўлатовларнинг номларини миннатдорчилик билан тилга олиб ўтишни истайман. Улар чиндан ҳам яхши меҳнат қилишаяпти.

Н. ХИКМАТУЛЛАЕВ.

Суратларда: инструктаж ва техника кўриги пайти. И. Тўлибоев фотолари.



Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горнчилар, қардасим! 10.35 — Ернинг тортиш кучи. 10.50 — Концерт. 11.15 — Адабий ўқиш. 11.40 — Музикали программа. 12.10 — Ҳужжатли фильмлар. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Рус тили. 16.40 — Мураббий. 17.10 — Рус қўшиқлари янграйди. 17.45 — Ешлар адреслари. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Қувноқ нотолар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Врач суҳбати. 20.10— Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати. 21.30 — Вақт. 22.05 — Дўстларимиз чеҳраси. 22.25 — Ҳужжатли фильм. 23.55 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Зоологиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — Шеърият мухлисларига. 17.55 — Футбол бўйича УЕФА турнирининг саралаш матчи. СССР—Венгрия. 18.45 — Ахборот. 19.00 — Прогресс. 19.30 — Жанговар постда. 20.00 — Миниатюралар. Телевизион фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти. 21.30 — Вақт. 22.05 — Чорвачилик — зардобор фронт. 22.25 — Актёрлар ва роллар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00—Болалар учун фильм. 20.30 — Концерт. 21.00 — Янгиликлар.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/III да Оққуш кўли.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/III да Парвона, 16/III да Фариблар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/III да Олифта, 16/III да Тошкентнинг нозанин маликаси.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/III да Тинмасин соз (19.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Анатолий ФУРМАНОВ раҳбарлигидаги иллюзион ревю гастроллари (19.30).

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ (Навоий кўчаси, 13-уй, кенгашлар зали)

ОЛИМПИАДАЛАР ЎТКАЗАДИ

18 март соат 10.00 дан ХИМИЯ бўйича.

25 март соат 10.00 дан ФИЗИКА бўйича.

1 апрель соат 10.00 дан МАТЕМАТИКА бўйича.

ОЛИМПИАДАЛАР ЎТКАЗИШ ПРОГРАММАСИ:

Институт етакчи олимларининг чиқиши.

Кириш имтиҳонлари программаси савол ва масалаларини ечиш бўйича саволларга жавоблар.

Кириш имтиҳонларига тайёрланиш ва топшириш бўйича методик маслаҳатлар.

Савол-жавоблар. Олимпиадага яхун ясаш.

Олимпиадаларга Тошкент шаҳри ва Тошкент областидаги мактабларнинг 10-синф ўқувчилари таклиф қилинадилар.

Ўзбекистон ССР савдо министрлиги Давлат савдо инспекцияси бошқармаси маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари Тошкент шаҳар давлат савдо инспекциясининг катта инспектори А. Т. Файзиевга отаси

Тоҳибой ФАЙЗИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент —П, ЛЕНИН кўчаси, 41. | Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325[illegible]; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 07142. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2353.